

## “САХОВАТ ВА КЎМАК” ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЙЎНАЛТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

Пандемия келтирган офатдан халқимизни асраш, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёт барқарорлиги таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари бошчилигида ўз вақтида таъсирчан чоралар кўрилгани, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ва эҳтиёжманд оилаларни аниқлаб, уларга манзилли ёрдам кўламини янада кенгайтиришга қаратилган сайъ-ҳаракатлар натижасида барқарор ривожланиш йўлида дадил одимламоқдамиз.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йилнинг 20 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиб, вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш кўламини янада кенгайтириш кераклигини таъкидлаган эдилар. Халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари суриб, бу ҳаракат давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий намоёнига айланишига ишонаман, — дея таъкидлаган эдилар мухтарам Президентимиз.

Ушбу ташаббуснинг ҳуқуқий асоси сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги фармойиши билан Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг вилоятлардаги бўлимлари, туман ва шаҳар бўлинмалари хузурида “Саховат ва кўмак” жамғармаси ташкил қилиниб, Низоми тасдиқланди. Даставвал, унинг маблағлари шаклланиши хайрия ва бюджет маблағлари ажратмалари бўлган бўлса, ҳозирги вақтда келиб, ҳудудларда ундирилаётган жарима тўловларининг бир қисми ҳам Жамғармага келиб тушмоқда.

Жамғарма Низомига асосан туман ва шаҳарларда ҳар бир сектор раҳбари тегишли маҳалла фаоллари билан биргаликда маҳаллалардаги ҳар бир оила, фуқаронинг моддий аҳволини ўрганган ҳолда ҳафталик ёрдам кўрсатиладиган эҳтиёжманд оилалар рўйхати ва уларга берилиши керак бўладиган маблағлар, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ҳажмини шакллантирдилар. Секторлар томонидан йиғилган маълумотлар Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига киритилиб, депутатлар муҳокамасига қўйилади. Кенгаш сессияси қарорига асосан “Саховат ва кўмак” жамғармасидан маблағлар аниқ кўрсатилган мақсадларга йўналтирилади.

**2021 йилда** Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими ва туман (шаҳар) бўлинмалари хузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаларидан жами **32 млрд.сўмдан** ортиқ маблағ **20746 нафар** эҳтиёжмандфуқароларга (оилаларга) моддий ёрдам, озиқ-овқат

маҳсулотлари, дори воситалари, касал бўлган эҳтиёжманд фуқаролар даволаниши, ишсиз аёллар ва ёшлар бадлигини таъминлаш, ногирон аёлларнинг уй-жойларини таъмирлаш, “Аёллар дафтари”даги хотин-қизларни мамлакатимиз бўйлаб тарихий жойларга саёхатини ташкил қилиш, ногиронларга аравачалар олиб бериш, эҳтиёжманд фуқароларни қиш фаслида кўмир маҳсулоти билан таъминлаш каби ва бошқа хайрли мақсадларга йўналтирилди.

Жумладан, кам таъминланган **3560 нафар** фуқароларга **877 млн.сўмлик** озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. **5187 нафар** фуқароларга **9 млрд.сўмлик** бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. **173 нафар** фуқарога **1,7 млрд.сўмлик** дори-дармон ва даволаниш учун маблағ ажратилди.

Ижтимоий дафтарларга киритилган эҳтиёжманд оилалар ва ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг қарорига асосан, жами **1500 та** асалари оиласи харид қилиниб, Кармана, Хатирчи, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота ва Конимех туманларида истиқомат қилувчи **341 нафар** эҳтиёжманд оилаларга беғараз тарқатилди.

Вилоятимизда уйда ўтирган, ишсиз, эҳтиёжманд бўлган **5000 дан ортиқ** оилаларнинг ҳар бирига **20 бошдан** парранда бир ойлик озукаси билан олиб берилди. Бунинг учун **4,8 млрд.сўм** маблағ сарфланди.

191 нафар ногиронлиги бўлган фуқароларга **316 млн.сўмлик** ногиронлик аравачалари олиб берилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган **2259 нафар** хотин-қизларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёхатлари, дам олишлари, санаторийларда даволанишлари учун **1 млрд 339 млн**, биринчи гуруҳ ногиронлиги бор, шароити оғир бўлган **185 нафар** эҳтиёжманд фуқароларнинг уй-жойлари таъмирлаб бериш учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан **2,6млрд.сўм** маблағ ажратилди.

**2022 йил 1-май ҳолатига кўра**, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими ва туман (шаҳар) бўлинмалари ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаларидан жами **8,8 млрд.сўм** маблағ **5364 нафар** фуқароларга моддий ёрдам, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари, касал бўлган эҳтиёжманд фуқаролар даволаниши, ишсиз аёллар ва ёшлар бадлигини таъминлаш, ногирон аёлларнинг уй-жойларини таъмирлаш каби мақсадлар учун йўналтирилди.

Жумладан: кам таъминланган эҳтиёжманд **1895 нафар** фуқароларга **641,8 млн.сўмлик** озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. **2028 нафар** фуқароларга **3,989 млрд.сўмлик** бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. **354 нафар** фуқароларга **439,6млн.сўмлик** дори воситалари, **438 нафар** фуқароларнинг даволаниши ва жарроҳлик амалиёти учун **1,997млрд.сўмлик**,

**649 нафар** фуқаролар учун **1,815 млрд.сўм** бошқа турдаги ёрдамлар учун ажратилди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими Матбуот хизмати